



# O'ZBEKISTON

UZBUNYODKOR  
UZBUNYODKOR  
uzbunyodkori@mail.ru

# BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOY-IQTISODIY GAZETA

№95 (240) 2018 йил 4 декабрь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АДЖУ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Умумэтироф этилган халқаро талаб ва стандартларга, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ қурилиш, архитектура, электротехника ва бошқа талаб юқори бўлган йўналишларда олий маълумотли малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ва Аджу университетининг (Корея Республикаси) Тошкент шаҳрида Аджу университетини (кейинги ўринларда – Университет) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Университет фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг истиқболларига мувофиқ қурилиш, архитектура, электротехника, иқтисодиёт соҳаларида ва бошқа талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

қурилиш, архитектура, электротехника, иқтисодиёт соҳаларида ва бошқа талаб юқори бўлган таълим йўналиш-

лари бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга қаратилган янги таълим дастурлари ва ўқитиш шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

мутахассислар, илмий кадрлар тайёрлаш тизимини таълим ва фан узвийлиги ва узлуксизлиги тамойили, шунингдек, жаҳон таълим ҳамда илмий ҳамжамиятига интеграциялаш асосида ривожлантириш;

меҳнат бозорига мавжуд муаммо ва эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда қурилиш, архитектура, электротехника, иқтисодиёт соҳаларида ва бошқа талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш;

педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, ўқитишнинг педагогик услублари ва технологияларини фаол такомиллаштириш;

таълим ва илмий-техникавий соҳаларда хорижий мамлакатлар, аввало, Корея Республикасининг етакчи таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ мuddатли муносабатларни ривожлантириш ва мустақамлаш.

(Давоми 2-бетда)



### Ёрқин келажак сари дадил қадам

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори ижросини таъминлаш борасида Андижон вилоятининг Улуғнор туманидаги «Шахриобод» маҳалла фуқаролар йиғинида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Улуғнор тумани вилоятнинг чекка ҳудудларидан бири бўлиб, туман аҳолиси асосан деҳқончилик, боғдорчилик ҳамда чорвачилик юмушлари билан машғул. Тумандаги «Шахриобод» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган 2 480 нафар аҳолининг аксарияти ўзлари яшаб келаётган уй-жойлардан кўнгиллари тўлмас, негаки, ўтган асрнинг 70-80-йилларида бунёд этилган 31 та икки қаватли уй-жойлар ташқи ва ички тарафдан нураган, абгор ҳолатга келган бўлиб, яшаш учун шароит йўқ эди.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасида салмоқли ишлар бажарилди.

Сув ва канализация тармоқларини, шу жумладан, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида қуриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳалари изчил амалга оширилмоқда.

Бирок бу борада қўрилган чора-тадбирларга қарамадан ичимлик суви таъминоти ва канализация соҳасида белгиланган тадбирларни амалга оширишга тўққонлик қилаётган қатор ҳал этилмаган муаммолар ҳамон мавжуд.

Хусусан, ичимлик суви истеъмолини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек, сув таъминоти ва канализация тизими объектларига оид зарур барча ахборотни «онлайн» режимида кири-

тиш, сақлаш, мунтазам янгилаш ҳамда мониторинг қилишни таъминлайдиган ягона тизимнинг йўқлиги сувини исроф қилиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ошиб кетаётганининг сабабларидан биридир.

Сув таъминоти тармоқлари ва иншоотларидан самарасиз фойдаланилаётгани, шунингдек, жойлардаги асосий фондларни модернизация қилиш ва янгилаш лойиҳалари ишончли молиялаштирилмаётгани ускуна ҳамда техникаларнинг, айниқса, қишлоқ жойларда тез ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда.

Аҳоли пунктларида канализация тизимларини қуриш ва барпо этилаётган кўп квартиралы уйларни уларга улаш масаласига лозим даражада эътибор берилмапти.

(Давоми 3-бетда)

### Зарафшон ҳавзасидаги гўзал воҳа

Юртимизнинг бой тарихга эга шаҳарлари орасида Самарқанднинг алоҳида ўрни бор. «Қадимий ва ҳамisha навқирон», «Ер юзининг сайқали», «Шарқ гавҳари» деган таъриф у тавсифларга сазовор бўлгани ҳамда қулай географик ҳудудда жойлашгани (бетакрор табиатга эга Зарафшон дарёси ҳавзасида жойлашган мазкур манзилда Буюк Ипак йўлининг барча йўналишлари кесишган) боис бу шаҳар асрлар давомида Ўрта Шарқнинг сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий маркази бўлиб келган.

Ўз навбатида, бу заминда халқимизнинг юксак ақл-заковати, бунёдкорлик салоҳиятини бутун дунёга тараннум этган буюк сиймолар камол толган. Шу сабабли ҳам Регистон, Шоҳи Зинда, Гўри Амир каби юзлаб қадимжолари билан машҳур бўлган Самарқанд бугунги кунда ҳам кўплаб зиёратчилару сайёҳларни ўзига ром этиб келмоқда.

Тан олиш жоиз, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам ҳудуднинг диққатга сазовор тарихий объектларини таъмирлаш, реконструкция қилиш, туризмини ривожлантириш мақсадида сайёҳлар учун зарур шароитларни яратиш, жумладан, янги меҳмонхоналар ва бошқа инфратузилма объектларини

барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, вилоятдаги шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини янада кўркам қилиш учун кенг ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда.

#### ТАНЛАБ ОЛИНГАН 29 ТА ҚИШЛОҚ

Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»-ги фармонини бажариш мақсадида вилоятдаги 29 та қишлоқ танлаб олинди, уларда амалга ошириладиган ишлар дастури ишлаб чиқилди.



Ушбу дастур доирасида вилоят, шунингдек, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳузурида махсус жамғарма ҳисоб рақамлари очилиб, уларда жами 126,8 млрд сўм миқдоридagi маблағ шакллантирилди. Ушбу маблағнинг 65,5 млрд сўми хорижий давлатлар кредитлари ва грантлари ҳисобидан шаклланган бўлса, 61,3 млрд сўми вилоят маҳаллий бюджетига ва бошқа қўшимча манбалар томонидан ажратилди. Шунингдек, дастурга киритилган ҳудудларда ўтказилган хат-

ловлар натижасида аниқланган 9 677 та таъмирталаб уй-жойларни капитал таъмирлаш ва қайта тиклаш учун зарур бўлган 53,7 млрд сўмлик маблағ ҳомийлар ва бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши режалаштирилди. Маълум бўлишича, шу кунгача ана шундай уйларнинг 90 фоизиди фасад, 80 фоизиди том қисмини таъмирлаш ишлари бажарилган. Салкам 800 та хонадонга янги дарвозалар ўрнатилган.

(Давоми 6-бетда)

**Ўзбекско-Российское СП ООО «ARTIKUL AZIYA KABEL»**  
предлагает высококачественную  
**КАБЕЛЬНО-ПРОВОДНИКОВУЮ ПРОДУКЦИЮ**  
собственного производства:

кабели силовые АВВГ, ВВГ, АВББШв, ВББШв;  
кабели силовые с негорючим пластиком АВВГнг(А),  
ВВГнг(А), АВББШвнг(А), ВББШвнг(А);  
провода бытовые ПУГНП, ПУН, АПУН, АЛУНП, ПУНП, ППБН, АППБН;  
структурированный высокочастотный кабель КСВПВ 5е (У/УТР),  
КСВПП 5 е (У/УТР), КСВПВ 5е (F/УТР);  
провода установочные гибкие ПВЗ, ПУГНП, ПВС;  
провода изолированные СИП-1А, СИП-2А, СИП-4А;  
провода неизолированные для ВЛЭ;  
провода установочные ВПП, ВПВ;  
провода водопогружные ВПП, ВПВ;  
провода обмоточные ПВДП, ПДО;  
провода эмалированные ПЭТ-155, ПЭТВ-2.

**Гарантия качества БОЛЕЕ 30 ЛЕТ**

Более 800 видов кабельной продукции.

Приглашаем к сотрудничеству дилеров и оптовых покупателей.

Г. Ташкент, Сергеевский район, Южная промзона.  
Тел.: +99871 257 82 68, 257 43 24.  
Тел./факс: +99871 257 41 81.

Гибкие цены  
www.artikul-kabel.uz  
e-mail: aak.uz@bk.ru  
Товары сертифицированы.

**DORSA®**

**PO'LAT ESHIKLARI**

+998 99  
**595 55 55**

www.dorsa.uz  
info@dorsa.uz

XX "Sam-Ferre" xizmat ko'rsatadi

ПРОИЗВОДСТВО ДЛЯ СИСТЕМ ВЕНТИЛЯЦИЙ ISO И КОНДИЦИОНИРОВАНИЯ ВОЗДУХА 9001:2015

**ПКП ООО «JIHOZ-VENTILYATSIYA»**  
e-mail: jihaz-vent@mail.ru сайт: www.jihaz-vent.uz  
тел: +998 (71) 273-06-77 факс: +998 (71) 273-92-68  
Товары сертифицированы.





# 4 ЖАРАЁН

Лойиҳалар доирасида Жиззах вилоятида йилига 2,5 минг тонна базальт арматураси, «Ангрен» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида йилига 3,5 миллион квадрат метр керамик плитка ва 180 минг тонна металл арматура ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.



Тўхфа

## Галлаорлда 7 та уй фойдаланишга топширилди

Бош қомусимиз қабул қилинганнинг 26 йиллиги арафасида Жиззах вилояти Галлаорлд тумани Бахт маҳалласида янги қурилган тўрт қаватли 7 та уй фойдаланишга топширилди. Янги турар жойлардаги ҳар бири 2-3 хонали хонадонларга 168 оила кўчиб кирди.

жойларига эга янги уйлар мактаб, болалар боғчаси, бозор каби ижтимоий объектларга яқин ҳудудда барпо этилгани аҳолига янада қўлайлик яратди.

Уй эгаларининг кўпчилиги ёш оилалар. Уларга замонавий уйлардаги қўлайликлар манзур бўлаётди.

– Икки хонали хонадон учун шартнома тузган эдим, – дейди тумандаги 73-умумтаълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси Элбек Тоглибоев ўза муҳбири Тошқул Бекназарова. – Уй бизга ҳар томонлама ёқди. Фақат ташқи

қўқамлиги эмас, ичкарасининг лойиҳаси ҳам ҳар жиҳатдан қўлай. Ошхона, ванна, алоҳида хоналар – оиланинг эмин-эркин яшаши учун барча шароит етарли. Шундай уйимиз бўлишини орзу қилган эдим.  
Вилоятда 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қуриш бўйича тегишли дастурга мувофиқ, жорий йилда 656 та арзон уй-жой фойдаланишга топширилиши белгиланган. Уйлар босқичма-босқич ўз эгаларига топширилмоқда.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда туман ҳокимлиги, маҳалла фаоллари, қурувчилар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлиқ ҳисобга олиб, янгиланган наму-

навий лойиҳалар асосида қурилган уйлар аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида давлатимиз кўрсатмаётган алоҳида ғамхўрлик намунаси экани таъкидланди.  
Болалар майдончалари, дам олиш

3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни

Фарғона вилоятида Халқаро ногиронлар кўнига бағишланган турли маънавий-маърифий ҳамда хайрия тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

## Имкониёти чекланган ўқувчиларга совғалар

Мамлакатимизда инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати ва манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган алоҳида эътибор ҳар бир фуқароннинг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда.

Ногиронлар, айниқса, жисмоний имкониёти чекланган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган пухта қонунчилик базаси яратилган. Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш билан бирга, ногиронларнинг жамиятдаги фаол позициясини шакллантиришга кўмаклашиш имконини бермоқда.

Алоҳида эътиборга муҳтож болаларнинг мактабга ва мактабдан ташқари таълими, касб тайёргарлиги, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим олишини таъминлашга оид изчил чора-тадбирлар уларнинг тўлақонли ҳаёт кечириши, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол қатнашиши учун катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Хусусан, Фарғона вилоятида буғунги кунда 10 та махсус иختисослаштирилган мактаб-интернат қўрсатмоқда.

Фарғона шаҳридаги 86-махсус иختисослаштирилган мактаб-интернатда бўлиб ўтган хайрия тадбири ҳам ўқувчиларга бир олам қувонч бағишлади. Вилоят ҳокими Ш. Ғаниев мазкур масканга ташир буюриб, ўқувчиларга ва мактаб-интернатга совға-саломлар топширди.

Айни пайтда бу ерда тахсил олаётган 219 нафар ўқувчи учун барча шароит яратилган.

– Юртимизда ҳар бир бола доимо меҳр-эътиборда, – дейди мазкур мактаб-интернат директори Мухаббат Раҳмонова ўза муҳбири Маъсуджон Сулаймонова. – Имкониёти чекланган болаларни руҳлантириш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш мақсадида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Вилоят ҳокими томонидан тўхфа қилинган совғалар, китоблар, қишки пойабзаллар, тикув машинаси, спорт кийимлари болаларимизни жуда қувонтирди.

## Навоийда фестивал

Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллиги муносабати билан Навоий вилояти шаҳар ва туманларида «Ўзбекистон ёшлари – янги замон бунёдкорлари!» шиори остида ёшлар фестивали ташкил этилди.



Сироҳ АСЛОНОВ (ўза) олган суратлар.

Фестиваль доирасида «Фарзандлик бурчим», «Ўзбекистон Куролли Кучлари – матонатли ёшларнинг ҳаёт мактаби», «Ёшлар кутубхонаси» каби мавзуларда 30 га яқин лойиҳа амалга оширилиб, тадбирларга ўқувчи ва талабалар, вақтинча иш билан банд бўлмаган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш арафасидаги ёшлар жалб этилди.  
Айни пайтда вилоят аҳолисининг 539 минг 631 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардир. 2017 йилда улардан 2 нафари Зулфия номидаги Давлат мукофотига, 1 нафари «Дўстлик» орденига, икки нафари «Шўхрат» ва бири «Келажак бунёдкори» медалларига ҳамда 5 нафари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мукофотига сазовор бўлган. Қатор ёшлар фан, маданият, санъат,

спорт соҳаларида юксак муваффақиятларга эришмоқда.

Тадбир доирасида Навоий шаҳрида бунёд этилган «Ёшлар уйи» фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимда 48 та ёш оилага замонавий уйлар қалити тақдим этилди.

– Бугун оиламиз учун қувончли кун, – дейди янги уй соҳибаларидан бири Алёна Горбачёва. – Барча шароитлар мужассам уч хонали уйга эга бўлдим. Яна қувонарлики, уй учун бошланғич тўлов Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан қопланди. Бундай ғамхўрлик биз, ёшларни Ватанимиз тараққиёти йўлида янада куч-ғайрат билан меҳнат қилишга ундайди.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.



## Ёшлар – коррупцияга қарши

Нукусда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Биз, ёшлар юртимизга хизмат қилишда инсофли ва ҳалол бўлишимиз шарт» шиори остидаги ижодий танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди.



касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Юлдуз Усмонова ғолиб бўлди. Танлов доирасида иштирокчилар томонидан тақдим этилган плакатлар ва расмлар кўргазмаси намойиш этилди.  
Суратда: танловдан лавҳа.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ўза) олган сурат.

Унда туман ва шаҳарлардан 450 нафарга яқин иқтидорли ёшлар иштирок этди. Аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида йўналтирилган танлов якунида «Энг яхши плакат» номинацияси бўйича 2-сонли Нукус тиббиёт коллежи ўқувчиси Ҳосилбек Жолдасбаев, «Энг яхши сурат» номинациясида Нукус компьютер ва ахборот технологиялари

## Сообщение Центрального банка Республики Узбекистан

Центральный банк Республики Узбекистан **установил с 4 декабря 2018 года следующие курсы иностранных валют к суму для ведения бухгалтерского учета, статистической и иной отчетности по валютным операциям, а также исполнения таможенных и других обязательных платежей**

- 1 Фунт стерлингов – 10602,27
- 1 Южнокорейская вона – 7,43
- 1 Японская йена – 73,28
- 1 Малайзийский ринггит – 1988,25
- 1 Китайский юань – 1195,38
- 1 Швейцарский франк – 8325,67
- 1 Дирхам ОАЭ – 2263,90
- 1 Египетский фунт – 465,56
- 1 Австралийский доллар – 6082,31
- 1 Турецкая лира – 1595,39

1 Сингапурский доллар – 6060,83  
1 СДР – 11501,35  
1 Канадский доллар – 6255,06  
1 Украинская гривна – 295,07  
1 Польский злотый – 2193,14  
1 Кувейтский динар – 27354,18

**\*) Курсы установлены без обязательства Центрального банка Республики Узбекистан покупать или продавать валюты по данному курсу.**

## Акциядорлик тижорат Халқ банки Сурхондарё вилоят филиали куйидаги объектлар бўйича пудратчи (лоийҳачи) ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади:

1. Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидаги АТ Халқ банки филиалини жорий таъмирлаш.  
**Бюджетнинг бошланғич нархи – 91 634 794 сўм ҚҚС билан; 76 362 329 сўм ҚҚСсиз.**  
**Ишларни якунлаш мuddати – 30 иш куни.**  
**Бюджетнинг бошланғич нархи – 35 456 928 сўм ҚҚС билан; 29 547 440 сўм ҚҚСсиз.**  
**Ишларни якунлаш мuddати – 30 иш куни.**

2. Сурхондарё вилояти, Кумқўрғон туманидаги АТ Халқ банки филиали учун янги бино қурилиши бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш.  
**Объектнинг бошланғич нархи – 108 000 000 сўм ҚҚС билан; 90 000 000 сўм ҚҚСсиз.**  
**Ишларни якунлаш мuddати – 60 иш куни.**

Лойиҳа ишларини бажариш учун иккинчи категорияли лицензия талаб этилади.  
**Бюджетмачи:** Акциядорлик тижорат Халқ банки Кумқўрғон филиали.  
3. Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги АТ Халқ банки филиалини жорий таъмирлаш.  
**Бюджетмачининг бошланғич нархи – 30 иш куни.**  
**Бюджетмачи:** Акциядорлик тижорат Халқ банки Бойсун филиали.  
**Молиялаштириш манбаси:** АТ Халқ банкининг ўз маблағлари ҳисобидан.

**Танлов савдоси иштирокчилари қўшимча маълумот олиш учун танлов ташкилотчиси «SUXON TENDER SAVDOSI» МЧЖнинг куйидаги манзилига мурожаат этишлари мумкин:** Термиз шаҳри, «Тараққиёт» кўчаси, 42-уй.  
**Телефон:** 90-245-22-17.  
**Бюртма чек мuddати:** эълон ҳафдаси махсус ахборот порталида чоп этилган кундан бошлаб 10 кун.  
Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларини ҳафдаси порталидан (Шеробод тумани бўйича 9040703-сонли, Кумқўрғон тумани бўйича 9040798-сонли, Бойсун тумани бўйича 9040808-сонли лот рақамларидан) олиш мумкин.

## «Насаф ризлэт сервис» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2019 йил 5 январь куни соат 11.00 дан бошлаб Қарши шаҳри, А. Темури кўчаси, 74-уйда жойлашган «Насаф ризлэт сервис» МЧЖ биносида бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Кўҳна Кеш Кимё» туманлараро таъминот базаси МЧЖга қарашли, Шаҳрисабз шаҳри, «Кўшшоқ» МФЙ, «Ўзбек» кўчаси, 13-уйда жойлашган умумий майдони 2 203,57 квадрат метр бўлган идора бино-иншоотлари биноси қўйилмоқда.  
**Лотнинг бошланғич баҳоси – 983 113 970 сўм.**  
Аукцион савдосида қатнашиш учун бюртманомалар эълон чиққан санадан бошлаб 2019 йил 4 январь соат 18.00 гача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача «Насаф ризлэт сервис» МЧЖ биносида қабул қилинади.

Савдо ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва 60 (олтмиш) кун ичида тўловларини амалга ошириш мажбуриятини олади.  
**Аукцион савдосида қатнашиш истагани билдирган жисмоний шахслар зақалат келишуви тузилганидан кейин, бошланғич баҳорига 10 фозиз миқдоридан зақалат пулини «Насаф ризлэт сервис» МЧЖнинг куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари керак:** 2020 8000 3003 8650 9001 АИКБ «Ипак йўли» Қарши филиали МФО 01119 СТIP 303037805.  
**Шунингдек, куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:**  
– **Ўзбекистон Республикаси фуқаролари** – фуқаролик паспорти, СТIP нуҳаси;  
– **хорижий ҳуқуқий шахслар** – корхона уставининг нуҳаси;  
– **хорижий фуқаролар** – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти;  
– **Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган шахслар** – яшаш гувоҳномаси нуҳаси.  
– харидор ғолиб чиқмаган тақдирда, зақалат пулларини қайтариш учун банк ҳисоб-рақами;  
– зақалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат  
**Мурожаат учун манзил:** Қарши шаҳри, Амир Темури кўчаси, 74-уй.  
**Телефон:** (95) 680-84-58, (91) 222-37-15.  
**E-mail:** Shuhrat682009@mail.ru  
**Веб-сайт:** nasaf-nedvijmost.zn.uz

Хизматлар лицензияланган. RR-0204 рақамли лицензия.



8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган сананинг 26 йиллиги барчамизга муборак бўлсин!


# ҚУТЛОВЛАР 5

## Самарқанд вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

барча юртдошларимизни, Ватанимиз ободлиги ва равнақи йўлида меҳнат қилаётган қурилиш соҳаси ходимларини эқинлашиб келаётган

**8 декабрь – Конституция кун**

муносабати билан самимий муборакбод этади. Сизларга мустақкам соғини, дастурхонингизга қут-барака, оилангизга тинчлик-хотиржамлик тилаб қоламиз.



## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

жаннатмонанд диёримиз аҳлини, ўзларининг фидоқорона меҳнатлари билан озод юртимизни янада обод қилаётган бунёдкорларни 8 декабрь – Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллиги билан самимий табриклайди. Дунё аҳлини лол қолдираётган обод юртимиз бундан-да чирой очиб, унинг тинчлиги ва осудалигига асло кўз тегмасин!



## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

юртимиз аҳолиси ва меҳмонларини **8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси** қабул қилинган кун билан самимий муборакбод этади!



## Сурхондарё вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

барча юртдошларимизни **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун билан самимий қутлайди.**

Истиқлол кўёшин жонбахш шурдан,  
Бир китоб яради азиз, муқаррам,  
Зағулик ёнилар ҳар сўз дуридан,  
Ҳар нодир сағрида ҳикмат мужжасам.

Бу бағъим қонунин – Қомуенмэрур,  
Мустақил Ватаним ҳаёт кўзгуеи,  
Унинг ҳар қанидан таралди нури,  
Оди гамоийли халқим орзуеи.



